

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ МАЛАКА ОШИРИШ МАРКАЗИ**

НОРМУРЗАЕВ УМИД ХОЛМУРЗАЕВИЧ

**СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Нормурзаев Умид Холмурзаевич

Солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўллари..... 3

Нормурзаев Умид Холмурзаевич

Пути эффективного использования налоговых льгот 27

Normurzaev Umid Kholmurzaevich

Ways to effectively use tax benefits 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ МАЛАКА ОШИРИШ МАРКАЗИ**

НОРМУРЗАЕВ УМИД ХОЛМУРЗАЕВИЧ

**СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН САМАРАЛИ
Фойдаланиш йўллари**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Iqt493 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қурбонов Зият Ниязович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тошмуродова Бувсара Эгамовна

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Гадоев Эркин Файзиевич

иқтисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқарув академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида солиқ имтиёзларини қўллаш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш орқали иқтисодий фаолиятни тартибга солиш дастакларидан кенг фойдаланилмоқда. «Биргина Россия Федерациясида солиқ тўловчиларга 2018 йилда 3,095 трлн. рубль миқдоридан солиқ имтиёзлари берилган. Бу кўрсаткич 2019 йилда 3,194 трлн. рублга, 2020 ва 2021 йилларда мос равишда 3,286 трлн. рубль ва 3,361 трлн. рублга кўтарилиши кутилмоқда»¹. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлиги аниқ натижадорликка асосланган бўлиши заруратга айланган бўлиб, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, «Буюк Британияда 34,8 фоиз, Германияда 25,0 фоиз ва Франция 18,7 фоиз солиқ имтиёзлари самарали, мос равишда 30,2, 25,0 ва 36,9 фоизи самарасиз имтиёзлар деб тан олинган»². Бундан кўринадики, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар солиқ сиёсатида солиқ имтиёзлари рағбатлантирувчи омил сифатида қаралмоқда.

Ҳозирги жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнида солиқ имтиёзларини бошқариш механизми уларнинг самарадорлигини доимий мониторинг қилишни, тақдим этиш ва бекор қилиш шартларини киритиш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги қарорларни услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, бюджетда солиқ тушумларини доимий равишда келиб тушишини таъминлаш нуқтаи назаридан аниқ механизмларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Шунга кўра, иқтисодиётда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, солиқ соҳасида имтиёзлар беришнинг мезон ва механизмларини такомиллаштириш, айрим субъектларга имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида номутаносибликлар пайдо бўлиши, рақобат муҳитининг ўзгариши, уларнинг мамлакат иқтисодиёти ривожланишига амалий таъсирини баҳолаш масалалари муҳим илмий тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, имтиёзлар бериш борасида аниқ мезон ва механизмларни ишлаб чиқиш, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш»³ бу борадаги муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида (2019 йил 9-декабрь) «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

¹ <https://www.vestifinance.ru/articles/103651>. 04.10.2019.

² Сравнение эффективности налоговых льгот в индустриально развитых странах. – <http://council.gov.ru/media/files/41d4df1fc7427347f5a7.pdf>. 02.10.2019.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – www.uza.uz

тўғрисида»ги қонун қабул қилинди⁴. Ушбу қонунда солиқ сиёсатидаги муҳим ўзгаришлар билан бир қаторда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сон «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сон «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқ тўловлари бўйича солиқ имтиёзларининг назарий-услубий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар Е.В.Егорова, Е.В.Чипуренко, А.М.Васильев, Е.С.Смирнов, И.А.Майбуров, шунингдек, ўзбекистонлик иқтисодчилар М.Қ.Пардаев, О.О.Олимжонов, Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев, Ш.А.Тошматов, Т.С.Маликов, Н.Х.Хайдаров, А.С.Жўраев, Н.Х.Жумаев, Н.Г.Каримов, У.В.Гафуров, Н.Р.Кўзиёва, Б. Э.Тошмуродова, З.Н.Қурбонов, Б.Р.Санақулова, К.Р.Ҳотамов, С.К.Худойкулов, Н.Б.Ашурова, Ж.Ж.Урмонов, И.М.Ниязметов, О.Т.Юлдашев, Ф.И.Исаев ва бошқаларнинг⁵ илмий ишларида солиқ тўловлари бўйича

⁴ <https://kun.uz/news/2019/12/10/deputatlar-yangi-tahrirdagi-soliq-kodeksini-qabul-qildilar>.

⁵ Егорова Е.В. Налоговый анализ в организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – М., 2015. – 31 с.; Чипуренко Е.В. Методология налогового анализа оценки влияния системы налогообложения деятельность коммерческих организаций. Автореферат д.э.н. М., 2011. - 52 с.; Васильев А.М. Налоговый анализ в системе прогнозирования и планирования налогообложения на микроуровне. Автореферат к.э.н. Орел, 2012. – 33 с.; Смирнов Е.С. Налоговый анализ финансовых результатов коммерческой организации. Автореферат дисс. к.э.н. Орел, 2013. - 30 с.; Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. - М., 2011. - 558 с.; Пардаев М.Қ. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Т.: Сано-стандарт, 2014. - 336 б.; Олимжонов О.О. Адолатли солиқ – мамлакат таянчи. Солиқ тўловчи журнали, 2006. №6; Исроилов Б.И. Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари. Диссертация и.ф.д., Самарқанд, 2006. - 272 б.; Гадоев Э.Ф. ва бошқ. Билвосита солиқлар: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи. – Т.: NORMA, 2011. – 327 б.; Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғи. Монография. – Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 2004. - 160 б.; Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. - 556 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. – Т., 2008. - 37 б.; Каримов Н.Г. Инвестиция фондларида молиявий муносабатларни ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари. «Иқтисодий ва инновацион технологиялар» илмий - электрон журнали. 2018 йил №4, июль-август; Юлдашев О.Т. Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. диссертацияси. – Т., 2011.

имтиёзлар назарий ва методологик асосларининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Бироқ, мазкур тадқиқотларда солиқ имтиёзлари ва улар таҳлилининг комплекс тарзда ўрганилмаганлиги мазкур диссертация иши мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Малака ошириш марказининг «Солиқ солиш базасини кенгайтириш ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини оширишда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш асосида солиқ механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

солиқ имтиёзларининг самарадорлигини ошириш бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фойда солиғи бўйича берилаётган солиқ имтиёзларини тартибга солиш бўйича таклифларни асослаш;

қўшилган қиймат солиғи бўйича берилаётган солиқ имтиёзларини иқтисодиётнинг соҳалари бўйича тақсимлаш бўйича таклифлар бериш;

эркин иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларга берилаётган солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб бериш;

солиқ имтиёзларининг бюджет самарадорлиги коэффицентини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш ва уларнинг таҳлилин аналга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб солиқ тўловчиларнинг солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш бўйича юзага келадиган иқтисодий-молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда диалектик ёндашув, таҳлил ва синтез, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, рейтинг баҳолаш, статистик ва математик моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

- 22 б.; Курбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Дис. ... и.ф.д. – Т.; БМА, 2008. - 272 б.; Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Дис. ... и.ф.д. – Т., 2016. - 260 б.; Ҳотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Диссертация и.ф.д. – Т., 2016. - 136 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. – Т., 2017. - 96 б.; Худойкулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. – Т., 2019. - 77 б.; Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. диссертацияси. – Т., 2018. - 247 б.; Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари: Монография / Т.: Iqtisod-Moliya, 2018. - 240 б.; Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: Молия, 2016. 192 б.; Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш. Дисс. автореферати. – Т., 2019. - 22 б.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

солиқ имтиёзларини бериш тартиби амалдаги қонунчиликда белгиланган солиқ ставкаларини кўпи билан 50 фоизга камайтириш ҳамда уч йил муддатга солиқ имтиёзларини тақдим этишни берилиши орқали такомиллаштирилган;

иқтисодиётнинг турли соҳаларида илғор технологияларнинг жорий этилишини, молиявий ресурслардан фаол тарзда фойдаланишни ҳамда рақобатни кучайтиришни рағбатлантирувчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойда солиғи бўйича берилаётган солиқ имтиёзларини тартибга солиш асосланган;

иқтисодиётнинг етакчи саноат тармоқларида кўшилган қиймат солиғи бўйича берилаётган солиқ имтиёзлари бекор қилинишининг «тўлов занжири»даги узилишларини бартараф этиш орқали маҳсулот таннархига таъсири асосланган;

солиқ имтиёзлари ва преференцияларини бериш амалиётини максимал даражада чеклаш, самарасиз фойдаланилган имтиёз суммаларини бюджетга қайтариш механизмларини такомиллаштириш асосида солиқ имтиёзларининг бюджет самарадорлиги коэффицентини аниқлаш услуги такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

солиқ тўловчига мақсадли имтиёзларни қўллаш ҳисобига бўшаган маблағларни имтиёз даври тугагандан кейинги бир йил давомида имтиёзлар берилаётган чоғда белгиланган мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқини бериш, шунингдек фойдаланилмаган маблағлар қолдиғини республика бюджетига ўтказиш тартиби асосланган;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг шарти сифатида фаолият бошланганидан кейин иккинчи молиявий йили яқунларига кўра икки йил давомида йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоизидан кам бўлмаган, кейинги йилларда 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда экспорт қилиш таклифлари ишлаб чиқилган;

солиқ имтиёзлари самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимни жорий этиш орқали имтиёзларнинг солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз берилган солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бекор қилиш таклифлари асосланган;

республикадаги корхоналарда берилган солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш даражаси баҳолаш услуги ишлаб чиқилиб, унинг асосида солиқ имтиёзларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш асосида солиқ механизмини такомиллаштиришга оид назарий-методологик

илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада фаолият кўрсатаётган давлат солиқ хизмати органлари ходимларига методик қўлланма сифатида ҳамда юридик шахслар томонидан фойдаланаётган солиқ имтиёзларини тартибга солишда ва унинг механизimini такомиллаштириш бўйича дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўллари такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

солиқ имтиёзларини бериш тартиби амалдаги қонунчиликда белгиланган солиқ ставкаларини кўпи билан 50 фоизга камайтириш ҳамда уч йил муддатга солиқ имтиёзларини тақдим этишни берилиши орқали такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар Солиқ кодексининг солиқ имтиёзларининг қўлланилиши бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 4 июндаги 16/2-12413-сон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 10 декабрдаги 03-1/1073-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларини бериш тартибининг аниқлик даражаси ортиб, тақдим этилаётган солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш имконияти яратилган;

иқтисодиётнинг турли соҳаларида илғор технологияларнинг жорий этилишини, молиявий ресурслардан фаол тарзда фойдаланишни ҳамда рақобатни кучайтиришни рағбатлантирувчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойда солиғи бўйича берилаётган солиқ имтиёзларини тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар солиқ қонунчилигига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 24 сентябрдаги УБ-3-2/14-14-896-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини бериш ёки бекор қилиш орқали илғор технологияларни жорий этиш, молиявий ресурслардан фаол тарзда фойдаланиш ҳамда рақобатни кучайтиришга таъсир кўрсатиш имконияти пайдо бўлган;

иқтисодиётнинг етакчи саноат тармоқларида кўшилган қиймат солиғи бўйича берилаётган солиқ имтиёзлари бекор қилинишининг «тўлов занжири»даги узилишларини бартараф этиш орқали маҳсулот таннархига таъсири асосланган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзларини берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сон Фармонида мувофиқ солиқ имтиёзларининг қўлланилиши юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 8 июлдаги 14-19782-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида иқтисодиётнинг етакчи саноат

тармоқларида кўшилган қиймат солиғи бўйича «тўлов занжири»даги узилишларни бартараф этиш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятига эришилган;

солиқ имтиёзлари ва преференцияларини бериш амалиётини максимал даражада чеклаш, самарасиз фойдаланилган имтиёз суммаларини бюджетга қайтариш механизмларини такомиллаштириш асосида солиқ имтиёзларининг бюджет самарадорлиги коэффицентини аниқлашнинг такомиллаштирилган услуги молия ва солиқ тизими амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 3 декабрдаги ДС/04-02-32/5159-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 1 ноябрдаги 15/1-31547-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида солиқ имтиёзлари бериш амалиётини чеклаш ҳамда самарасиз фойдаланилган имтиёз суммаларини бюджетга қайтариш механизмлари такомиллашиб, солиқ имтиёзларининг бюджет самарадорлиги коэффицентини аниқлаш услубининг аниқлик даражаси ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, ОАК эътироф этган журналларда 4 та, шундан, хорижий журналда 1 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва бу борада илмий тадқиқот олиб бориш зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалиётга жорий қилиниши баён қилинган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Солиқ сиёсатини ислоҳ қилишнинг йўналишлари ва солиқ имтиёзларининг назарий ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш йўллари кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5648-сон фармоннинг⁶ қабул қилиниши солиқ сиёсати бўйича

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5648-сон фармони.

олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг муҳим ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон қарори⁷ қабул қилинди ва ушбу қарор билан «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси»⁸ маъқулланди. Шунингдек, ушбу қарорга асосан «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси»нинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди (1-расм).



1-расм. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясининг асосий йўналишлари⁹.

Иқтисодиётни ислох этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, кичик бизнесни ривожлантириш, биринчи навбатда, катта миқдорда маблағ талаб қилади. Бу вазифаларни амалга ошириш механизмларидан бири, бу давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектларга солиқларни тўлашда имтиёзлар беришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкни камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур. Ўз эҳтиёжи учун объект қураётган, янги ташкил

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сон қарори.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сон қарорига 1-илова «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси».

⁹ Расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш керак. Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни таклиф этаман»¹⁰ деб таъкидланган эди. «Солиқ имтиёзлари»нинг моҳиятини тадқиқ қилишдан олдин, биринчи навбатда, «солиқ имтиёзлари» атамаси мазмунини тушуниш, унинг хусусиятларини белгилаш, бошқача айтганда, унинг ҳуқуқий хусусиятини аниқлаш керак. Бу бўйича меъёрий ҳужжатлар ҳамда тадқиқот олиб борган хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг «солиқ имтиёзи» тушунчасига нисбатан қарашларини келтириб ўтамиз.

Солиқ кодексининг 30-моддасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларга қуйидагича таъриф берилган: «...солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар»¹¹.

А.В.Аронов ва В.А.Кашин таърифича, «солиқ имтиёзи - солиқ тўловчига қонунчиликка асосан солиқ суммаси ва солиқ базасидан чегирма берилиши (озод этилиши, кечиктириш, солиқ кредити, солиқ чегирмалари, солиқ ставкасини камайтириш)»¹². В.Н.Незамайкин ва И.Л.Юрзинова томонидан солиқ имтиёзларини «солиқ тўламаслик ёки уларни озроқ миқдорда тўлаш имконияти»¹³ сифатида эътироф этиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Т.Маликовнинг эътирофига кўра «Солиқ имтиёзлари деганда солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши тушунилади»¹⁴. А.Жўраев ва бошқалар «солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил энгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин»¹⁵ деб ҳисоблайдилар. Ж.Ж.Урмонов томонидан «Солиқ имтиёзи – Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятини қисқартириш, солиқ ставкаси ва солиқ базасини камайтириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти»¹⁶ деган таъриф берилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳукумати томонидан солиқ имтиёзларини ислоҳ қилиниши зарурлиги кўп бора таъкидланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сон фармойиши

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи 2017 йил 22 декабрь.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Адолат. Т., 2016. 26-бет.

¹² Аронов А.В., Кашин В.А. Налоги и налогообложение: Учебное пособие. – М.: Магистр, 2007 – 52 с.;

¹³ Незамайкин В.Н., Юрзинова И.Л. Налогообложение юридических и физических лиц. - М.: Экзамен, 2004- с. 44;

¹⁴ Маликов Т. Солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т., 2000. 76-бет.

¹⁵ Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Т.: NORMA, 2009. 184-бет.

¹⁶ Ўрмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати, 2018 й.

бунинг яққол исботидир. Унга биноан, кўплаб асосий вазифалар қаторида, «солиқ имтиёзи» ва «солиқ преференцияси» тушунчаларини аниқ чегаралаш, вақтинча имтиёз бериш муддатларини белгилаш, шунингдек, самарасиз ва эскирган солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш каби вазифалар белгилаб берилдики, бу солиқ тизимида солиқ имтиёзларини жорий этишда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак эканлигини тақозо қилмоқда. Солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлар тизими ва методикасининг мавжуд эмаслиги, тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар берилишида адолатлилик принципининг бузилиши ва бошқалар мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда деган хулоса қилинди.

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимни жорий этиш орқали имтиёзларнинг солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз берилган солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бекор қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида солиқ турлари бўйича берилган солиқ имтиёзлари 1-жадвалда келтирилган. Маълумотларни таҳлиliga кўра 2015 йилда – 12450,9 млрд. сўм ва 2019 йилда – 21365,5 млрд. сўм миқдориди солиқ имтиёзи қўлланилган. Солиқ имтиёзларининг энг катта ҳиссаси қўшилган қиймат солиғига тўғри келган, яъни 2015 йилда – 7812,2, 2016 йилда – 5346,9, 2017 йилда – 8450,4, 2018 йилда – 14989,5 ҳамда 2019 йилда 14329,5 млрд. сўмни ташкил этган. 2018 йилда ҚҚС ҳамда фойда солиқ тўловининг улуши кўп, яъни 1700,4 млрд. сўмга тенг бўлган. 2019 йилда эса фойда солиғининг улуши, 1833,7 млрд. сўмни ташкил этган.

Диссертациянинг «**Солиқ турлари бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланишни тартибга солиш муаммолари**» деб номланган иккинчи бобида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзларни тартибга солиш механизми, рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш тизимини шакллантиришда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни тартибга солиш, ЭИЗларда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни солиққа тортиш ва солиқ имтиёзлари беришнинг хусусиятлари каби муаммолар ўз аксини топган. Ушбу муаммолар 2014-2019 йиллардаги маълумотлар асосида таҳлил қилинди ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчилар томонидан 2015-2019 йилларда солиқ турлари бўйича
фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлили¹⁷

млрд. сўм

№	Солиқ турлари	йиллар кесимида									
		2015		2016		2017		2018		2019	
		Корхона сони	Имтиёз суммаси	Корхона сони	Имтиёз суммаси	Корхона сони	Имтиёз суммаси	Корхона сони	Имтиёз суммаси	Корхона сони	Имтиёз суммаси
1	Қўшилган қиймат солиғи	2 706	7 812,2	2 356	5 346,9	8 914	8 450,4	4 572	14 989,5	14 964	14329,5
2	Ягона солиқ тўлови	45 537	540,5	13 843	725,4	4 181	1 216,8	13 785	1 325,7	9 013	1266,3
3	Фойда солиғи	1 831	368,2	1 683	459,9	926	496,1	1 287	1 700,4	2 753	1833,7
4	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	478	72,1	459	172,9	335	99,8	2 496	1 154,0	1 278	1106,1
5	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	404	103,0	-	-	-	-	-	-	-	-
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	146	1 266,7	129	1 549,6	2 280	1 512,4	103	798,0	102	830,8
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 532	1 440,3	1 433	2 142,1	1 923	2 781,9	1 495	897,3	898	846,3
8	Ягона ер солиғи	2 241	46,4	2 368	72,0	262	198,9	6 157	29,6	5 023	29,8
9	Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар	2 833	625,6	2 283	290,8	3 907	676,8	1 098	792,6	2 150	537,6
10	ЯИТ ва суғурта бадали	16 076	175,7	16 553	164,7	27 298	322,2	33 992	495,8	12 584	666,4
	Жами	58 377	12 450,9	28 617	10 924,4	50 028	15 755,2	61 178	22 707,5	43324	21 365,5

¹⁷ Жадвал Ўзбекистон Республикаси ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг давлат бюджет тушумларида ўзига хос ўрни бўлиб, қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2014-2019 йилларда солиқ тушумлари, фойда солиғи бўйича тушум ва унинг улушининг ўзгариши, млрд. сўм¹⁸

№	Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019
1.	Солиқ тушумлари	31070,5	36492,7	41030,7	49684,8	79 099,1	83 323,9
2.	Бевосита солиқлар	7433	8798,4	9853,6	11538,9	15 656,2	26 547,6
3.	Фойда солиғи бўйича тушумлар	1120,2	1180,5	1215,1	1475,5	3 502,2	7 475,8
4.	Шу жумладан: Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ЯСТдан Давлат бюджетига ажратмалар	954,4	1207,8	1516,1	1707,6	2108,5	2573,3
5.	ЯСТдан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирма ва кичик корхоналардан ажратмалар	967,9	1191,7	1440,8	1750,8	2597,9	3170,6
6.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3261,7	3800,7	4137,4	4876,7	6422,7	12668,9
7.	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	553,1	681,5	822,3	1042,9	1024,8	659
8.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	575,7	736,2	721,9	685,5	-	-
9.	Фойда солиғининг жами тушумлардаги улуши, %	3,61	3,23	2,96	2,96	4,43	8,97

2-жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида 2014-2019 йилларда давлат бюджети даромадлари манбаида солиқ тушумлари 31070,5 млрд. сўмдан 83323,9 млрд. сўмга ортганлигини кўриш мумкин. Бевосита солиқларнинг улуши эса 2014-2019 йилларда 7433 млрд. сўмдан 26547,6 млрд. сўмга ортган, яъни фойда солиғининг тушуми 2014 йилда – 1120,2, 2015 йилда – 1180,5, 2016 йилда – 1215,1, 2017 йилда – 1475,5, ва 2018 йилда эса 3502,2 млрд. сўм бўлса, 2019 йилда – 7 475,8 млрд. сўм бўлган. Фойда солиғи суммасининг жами тушумлардаги улуши 2014 йилда – 3,61 фоиздан 2018 йилда – 8,97 фоизга ўсган. Корхона ва ташкилотлар томонидан 2015-2019 йиллар давомида фойдаланган фойда солиқ имтиёзлари тўғрисида маълумотларга орқали уларнинг салмоғини аниқроқ тасаввур этиш мумкин (3-жадвал).


¹⁸Жадвал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган..

**Ўзбекистон Республикасида жами солиқлар ҳамда фойда солиғи
бўйича берилган солиқ имтиёзлари тўғрисида маълумот**¹⁹

млрд. сўм

№	Солиқ турлари	2015	2016	2017	2018	2019
11.	Жами солиқлар бўйича берилган имтиёз суммаси	12 450,9	10 924,4	15 755,2	22 707,5	21 365,5
22.	Фойда солиғи берилган имтиёз суммаси	368,2	459,9	496,1	1 700,4	1833,7
33.	Фойда солиғининг жами солиқлар бўйича берилган имтиёз суммаси улуши, %	2,9	4,2	3,1	7,4	8,5

3-жадвал келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2015-2019 йилларда фойда солиғи бўйича берилган солиқ имтиёзлари йилдан-йилга ошиб борган. Бу кўрсаткич 2015 йилда – 368,2 млрд. сўм, 2018 йилда – 1700,4 ва 2019 йилда – 1833,7 млрд. сўмни ташкил қилган. Шунингдек, фойда солиғи бўйича берилган имтиёзларнинг улуши умумий имтиёзларда ошиб борган, бу кўрсаткич 2015 йилда – 2,9 %ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда – 8,5 %ни ташкил қилган. Фойда солиғи бўйича берилган имтиёзларнинг соҳалар кесимида таҳлили муҳим ҳисобланади (2-расм).




**2-расм. 2019 йил давомида соҳалар кесимида фойдаланилган
фойда солиғи бўйича имтиёзлар (млн. сўм)**

¹⁹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-расмдан кўриш мумкинки, фойда солиғи бўйича тақдим қилинган имтиёзларнинг энг катта улуши саноатда, яъни 935432,9 млн. сўмни ташкил этмоқда. Ишлаб чиқариш соҳасига 498872,4 млн. сўм бўлса, банк тизимига 298199,2 млн. сўм ҳажмида фойда солиғи бўйича имтиёзлар тақдим этилган. Албатта, аҳамият берадиган бўлсак, барча ажратилган имтиёзлар суммаси саноат ва ишлаб чиқариш ҳиссасига тўғри келмоқдаки, бундан пировард мақсад соҳани ривожлантириш эканлигини тушуниш мумкин.

Маълумки, қўшилган қиймат солиғи – ҳар бир ишлаб чиқариш босқичида ва сотиш жараёнида ундириладиган кўп қиррали билвосита солиқдир. Қўшилган қиймат солиғи Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар давлат бюджетларининг даромадларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Европа мамлакатларида билвосита солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқорироқ. Дунё мамлакатларида 2019 йилда қўшилган қиймат солиғи ставкаси бўйича қуйидаги 3-расмда маълумотлар келтирилган.



3-расм. Мамлакатлар бўйича 2019 йил учун қўшилган қиймат солиғи ставкаси фоизда²⁰.

3-расмдан кўриш мумкинки, қўшилган қиймат солиғининг энг катта ставкаси Венгрияда 27 фоизни, энг куйи ставкаси Нигерияда 5 фоизни ташкил этмоқда. Ўртача ставка 19-21 фоиз орасида бўлмоқда. Бизга географик жиҳатдан яқин бўлган Россия Федерациясида 20 фоиз бўлса, Қозоғистон ва Қирғизистонда 12 фоиз эканлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 212-моддасига биноан товарларни чет эл валютасида экспортга сотиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) айланма

²⁰ <https://infographics.ru/all/nds-v-stranah-mira/#top-10-stran-s-samoj-vysokoj-stavkoj-nds.25.03.2019>.

ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади. Шунингдек, Солиқ кодексининг 208-211-моддаларида қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ имтиёзлари белгиланган. Қўшилган қиймат солиғи бўйича берилган имтиёзлар суммаси 2015-2019 йиллар маълумотлари асосида таҳлил қилинди (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида жами солиқлар ҳамда қўшилган қиймат солиғи бўйича берилган солиқ имтиёзлари тўғрисида маълумот²¹

(млрд. сўм)

№	Солиқ турлари	2015	2016	2017	2018	2019
1.	Жами солиқлар бўйича берилган имтиёз суммаси	12 450,9	10 924,4	15 755,2	22 707,5	21 365,5
2.	Қўшилган қиймат солиғи берилган имтиёз суммаси	7812,2	5346,9	8450,4	14989,5	14329,5
3.	Қўшилган қиймат солиғининг жами солиқлар бўйича берилган имтиёз суммаси улуши, %	62,7	48,9	53,6	66,1	67,0

4-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилда 12450,9 млрд. сўм ва 2019 йилда 21365,5 млрд. сўм солиқ имтиёзи қўлланилган. Солиқ имтиёзларини энг катта ҳиссаси қўшилган қиймат солиғи салмоғига тўғри келган, яъни 2015 йилда – 7812,2, 2016 йилда – 5346,9, 2017 йилда – 8450,4, 2018 йилда – 14989,5, 2019 йилда – 14329,5 млрд. сўмни ташкил этган.

Қўшилган қиймат солиғининг умумий солиқ имтиёзлари суммаси улуши таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур кўрсаткич тегишли равишда 2014 – 2019 йилда – 67,0 фоиз даражасида бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сон фармони ижроси юзасидан қўшилган қиймат солиғи айрим соҳалар бўйича таҳлил қилинди. Жумладан, «Дженерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқариладиган автомобиль учун қўшилган қиймат солиғи бўйича берилган имтиёзнинг бекор қилиниши, акциз солиғи ва йўл жамғармасига мажбурий тўловларни автомобиль нархига қўшмаслик эвазига, нархлар ўртача 13 % ошган (5-жадвал). Масалан, «Кобальт» русумли автомашинанинг нархи қўшилган қиймат солиғи ҳисобига 19496 минг сўмга ошган бўлса, акциз солиғи 2 924 минг сўмга ва йўл жамғармасига тўлов 2924 минг сўм ҳисобига 5848 минг сўмга ва доимий харажатлар ҳисобига 744 минг сўмга камайган.

²¹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзларини берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сон фармон ижроси юзасидан қўшилган қиймат солиғи олинган ҳолда автомобиллар нархи бўйича таҳлили²²

(млн.сўм)

№	Кўрсаткичлар	Фармон чиқишидан олдин			Фармон чиққандан кейин			Фарқи		
		Спарк	Нексия 3	Кобальт	Спарк	Нексия 3	Кобальт	Спарк	Нексия 3	Кобальт
1.	Ишлаб чиқариш харажатлари	68 762	72 279	68 899	68 762	72 279	68 899	0	0	0
2.	Доимий харажатлар	12 446	13 214	25 659	11 903	12 641	24 915	-543	-573	-744
3.	Қўшилган қиймат солиғи	0	0	0	16 744	17 627	19 496	16 744	17 627	19 496
4.	Акциз солиғи (3 %)	2 512	2 644	2 924	0	0	0	-2 512	-2 644	-2 924
5.	Автомобиль сотиш нархи	83 719	88 137	97 482	97 408	102 548	113 310	13 689	14 410	15 828
6.	Йўл фондига тўлов (3 %)	2 512	2 644	2 924	0	0	0	-2 512	-2 644	-2 924
7.	Автомобилнинг якуний нархи	86 230	90 781	100 407	97 408	102 548	113 310	11 177 (13 %)	11 766 (13 %)	12 903 (12,9 %)

²² Жадвал Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларнинг иқтисодий барқарорлигида эркин иқтисодий зоналарнинг аҳамияти яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасида Эркин иқтисодий зонаси 2008 йилда Навоий вилоятида ташкил этилган²³. Бугунги кунда республикада жами 21 та эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) фаолият юритмоқда, уларда 840 та корхоналар иштирокчи сифатида рўйхатдан ўтган. Маълумотларга кўра, мазкур корхоналарнинг 319 таси (37,9 %) фаолият кўрсатмоқда, 524 таси (62,1 %) эса ҳали ўзини иш фаолиятини бошламаган.

Эркин иқтисодий зоналарда жами корхоналар томонидан умумий қиймати 6809,1 млн. АҚШ долл.ни, шундан, 1797,1 млн. АҚШ долл. ҳажмида ўз маблағлари, 1656,5 млн. АҚШ долл. ҳажмида банк кредити, 3727,4 млн. АҚШ долл. ҳажмида хорижий инвесторлар ва 127,6 млн. АҚШ долл. ҳажмида Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт жамғармаси ҳисобидан лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган²⁴. Ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бораётган корхоналардан 205 таси 2011-2019 йилларда 297,8 млрд. сўм ҳажмида солиқ имтиёзларидан фойдаланган (6-жадвал). Жумладан, 2019 йилда 131 та корхоналар 57758,2 млн. сўм ҳажмида солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ЭИЗ иштирокчилари томонидан имтиёзлардан фойдаланишда ўрнатилган мезон талаблари бажарилмаган. Масалан, «Навоий» ЭИЗ иштирокчиси бўлган «Telecom Innovations» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси 5,1 млрд. сўмлик металл профиллари ишлаб чиқариб, экспортга умуман маҳсулот сотмаган бўлсада, мезон талабларини бажармасдан 2013-2018 йилларда 3,4 млрд. сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган.

Диссертациянинг «**Солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг самарадорлиги таҳлилни такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида инвестицияларни жалб қилиш ва рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш йўллари, солиқ имтиёзларини корхоналар молиявий ҳолатига таъсири таҳлили ва солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш методикасини такомиллаштириш муаммолари илмий жиҳатдан ўрганилган.

Макроиқтисодий барқарорликни тавсифловчи кўрсаткичлардан бири мамлакатда ўзлаштирилаётган инвестициялар миқдоридир. Ҳар қандай мамлакатнинг ривожланишида капиталга бўлган талаб доим юқори бўлган. Агар мамлакат ишбилармонликни ривожлантирмоқчи, иш ўринларини кўпайтирмоқчи бўлса, албатта инвестицияларга бўлган талаб ошиб бораверади.

²³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон фармони

²⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.2019 й.

Республикамизда 2011-2019 йилларда эркин иқтисодий зона иштирокчиларига берилган имтиёзлар таҳлили²⁵

№	Фармон ёки қарор		Иштирокчилар сони	Имтиёз берилган солиқ турлари	Имтиёз даври (муддати)	Жами имтиёз миқдори (2011-2019 йил)			
	Номи	ЭИЗ номи				сон	млн.сум		
1	«Навоий вилоятида ЭИЗ ташкил этиш тўғрисида»	«Навоий» ЭИЗ	52	1. Фойда солиғи	Кирилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан: - 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар - 3 йил муддатга;	19	42 366,8		
2	«Ангрен» ЭИЗсини барпо этиш тўғрисида»	«Ангрен» ЭИЗ	84			2. Мол-мулк солиғи	- 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар - 5 йил муддатга;	40	167 978,9
3	«Жиззах» ЭИЗсини барпо этиш тўғрисида»	«Жиззах» ЭИЗ	28	3. Ер солиғи	- 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар - 7 йил муддатга;	26	62 689,4		
4	«Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» ЭИЗларини ташкил этиш тўғрисида»	«Ургут» ЭИЗ	67			4. Ягона солиқ тўлови	- 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда - 10 йил муддатга берилади	55	19 422,5
5		«Ғиждувон» ЭИЗ	28						
6		«Қўқон» ЭИЗ	96						
7		«Ҳазорасп» ЭИЗ	19						
8	«Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»	«Нукус-фарм» ЭИЗ	4	5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ		9	1 348,2		
